



Vaziyat

2023 йил
9 февраль
№ 6 (895)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚУТҚАРУВЧИЛАР ТУРКИЯДАГИ ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ФАОЛ КЎМАК КЎРСАТМОҚДА

Туркиянинг Жануби-Шарқий вилоятларида содир бўлган ҳалокатли зилзила оқибатида қўлаб одамлар қурбон бўлиб, ўз уйини йўқотган ва яраланган кишилар сони ортиб бормоқда.

“Дўст оғир кунда билинади”, деганларидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев биринчилардан бўлиб Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқот қилиб, чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Биродар Туркия халқига зилзила оқибатларини бартараф этишда кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистондан иккита самолёт Адана ва Газиантеп шаҳарларига гуманитар ёрдам ҳамда қутқарувчилар гуруҳини олиб келди. Этник ўзбеклар кўп яшайдиган ҳудудда қутқарувчиларимиз ўз ишини бошлаб юборди ва етиб келган гуманитар юк эҳтиёжмандларга етказиб берилмоқда.

Туркиянинг жанубий вилоятларида қўлаб ўзбеклар яшайдиган маҳалла ва қишлоқлар мавжуд. Ҳалокатли зилзила айнан улар истикомат қиладиган ҳудудларга яқин ерда содир бўлган. Хусусан, 15 мингдан ортиқ ўзбеклар яшайдиган Ҳатай вилоятидаги Овакент (Ovakent)

қишлоғи энг кўп жабрланган ҳудудлардан бири. Туркия расмийлари билан эришилган келишувга мувофиқ, Ўзбекистондан келган 100 га яқин қутқарувчилар ҳозирда айнан ушбу ҳудудга йўналтирилди ва қидирув-қутқарув ишларини олиб бормоқда.

Адана шаҳрида жойлашган ўзбеклар уюшмаси раҳбари Усмон Бек Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдам учун миннатдорчилик билдириб, жумладан шундай деди:

– Аввало Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва бутун Ўзбекистон халқига катта раҳмат! Бошимизга оғир иш тушган шундай кийин кунда бизни ёлғиз қўйишмади. Гуманитар ёрдам ва қутқарувчилар гуруҳи биринчилардан бўлиб етиб келди. Айни чоғда қутқарувчилар оғир аҳволга тушиб қолган кишиларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

“Дунё” АА.
Анкара.



УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Наманган вилояти ФВБда “Уч авлод учрашуви” тадбири бўлиб ўтди. Унда бошқарма бошлиғи генерал-майор Қосимали Аҳмедов, вазирлик масъул ходими полковник Бахтиёр Абдурахимов, шунингдек, вазирлик тизимида кўп йиллар хизмат олиб борган фахрийлар, нурунийлар, ФВВ Академияси курсантлари, мактаб ўқувчилари ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар ўз ҳаётий тажрибалари ва касбий фаолиятлари ҳақида фикр юритиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг оқилона самарасига тўхталиб ўтдилар.

Учрашув якунида меҳмонлар бошқармада ташкил этилган музейда ҳам бўлиб, у ердаги экспонатлар билан яқиндан танишдилар.

Рустам ЭГАМБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти ФВБ ходими.

УШБУ СОНДА:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ



4-бет

BARTARAF ETILDI



5-бет

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА



7-бет

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ЭЪТИРОФИ



8-бет

САЙЁР ҚАБУЛ

Бухоро харбий прокуратураси ташаббуси билан Шофиркон тумани ҳокимлиги биносида Халқ қабулхонаси билан ҳамкорликда туман кўриқлаш, фавқулодда вазиятлар ва мудофаа ишлари бўлимлари ҳамда харбий қисмлар харбий хизматчилари, уларнинг онла аъзоларининг муаммоларини жойида ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида оммавий қабул бўлиб ўтди.



Унда Бухоро харбий прокуратураси ҳамда вилоят бошқарма бошқаруви томонидан ишга жойлаштирилган имтиёзли уй-жойга эга бўлиш, сафарбарлик чакируви йиғинида хизматни ўташ учун шартнома пулларини тўлашда ёрдам кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда имтиёзларга эга бўлиш каби масалаларга оид 16 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 8 таси жойида хал қилиниб, 6 таси тегишли ташкилотларга юборилди ва 2 таси назоратга олинди.

Харбий гувоҳнома олиш, фарзандига олий таълим муассасасига киришда имтиёз олиш каби мурожаатлар назоратга олиниб, мутасадди ташкилотлар томонидан қаноатлантирилди.

Вақт талаб қилинадиган мурожаатлар эса назоратга олиниб, тегишли ташкилотларга хал қилиш учун кўрсатма берилди.

Дилшод АБДУЛЛАЕВ,
Бухоро харбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия лейтенанти.

Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси ҳамкорлигида Миллий гвардия Тошкент “Темурбеклар мактаби” харбий академик лицейида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари, профилактик ҳисобда турувчи ёшлар билан “Харбий ватанпарварлик” тадбири ўтказилди.

ЁШЛАР “ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ”ДА

Тадбир давомида, Тошкент шаҳрининг барча туманларидан келган жами 150 нафар ёш харбий оркестр садолари остида кутиб олиниб, уларга Миллий гвардия харбий хизматчилари ва “Ўзбек жанг санъати” жамоаси томонидан тайёрланган турли чиқишлар намойиш этилди.

Шунингдек, ёшлар “Темурбеклар мактаби” ХАЛда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Сўнг Миллий гвардия, Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни кўриқлаш қўмондонларининг ўринбосарлари, Республика Харбий прокурорининг катта ёрдамчиси ва бошқа мутасадди раҳбарлар иштирокида “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

Сардорбек ЁРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.



КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» ёлгорлик мажмуасида умумтаълим мактабларида ташкил этилган «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар харбий-ватанпарварлик ҳаракатининг 400 га яқин аъзоларига «Ватан таянчи» кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.



Унда Мудофаа вазири ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев, Тошкент харбий прокурори адлия полковниги Акбар Бобоев ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

2022 йил 2 март куни Ўзбекистон Президентининг «Ватан таян-

чи» болалар ва ўсмирлар харбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Бу ўз навбатида, юртимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мутлақо ўзгача йўналиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш-

нинг янгича шакли ҳисобланади.

Қарорда давлат умумтаълим мактабларида таълим олаётган 10-, 11-синф ўқувчилари орасидан ватанпарвар, энг интизомли ва билимли, ташаббускор бўлган 20 нафар ёшларни саралаб олиш орқали «Ватан таянчи» отрядларини ташкил этиш белгиланган.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар, отряд аъзоларига ушбу шарафли нишонни тақиб юришга муносиб бўлибгина қолмасдан, келгусида ўз тенгдошлари орасида ватанпарвар, етакчи ва ташкилотчи бўлиш зарурлигини таъкидлашди.

Тадбирда Тошкент шаҳридаги энг фаол бўлган 15 та отряд аъзоларига «Ватан таянчи» ҳаракатининг нишонлари топширилди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент харбий прокурорининг ёрдамчиси.

Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси органларида хизмат қилаётган прокурор-тергов ходимларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш ҳамда спортнинг устувор турлари оммавийлигини ошириш мақсадида турли спорт мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

БЕЛЛАШУВ

Мудофаа вазирлиги спорт марказида стол теннис бўйича “Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурори” кубоги спорт мусобақаси ҳам ана шундай беллашувлардан бири бўлди.

Мусобақада голибликни қўлга киритган ходимлар Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурорининг ўринбосари Қахрамон Исроилов томонидан диплом ва медаллар билан тақдирландилар.

Азизбек АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия полковниги.

ТУБСИЗ ЖАРЛИК

Инсоният ўтган асрда жуда катта ютуқларга эришди. Одам қадами Ойга етди, қўплаб касалликларга даво топилди, ишлаб чиқаришга янги-янги технологиялар жорий этилди. Бироқ, ўтган асрда одамзод бошига бало бўлган гиёҳвандлик моддалар савдоси авж олди. Энг ёмони, ана шу иллат ёшларни ўзига “асир” этди. Нагизжада йигит-қизлар орасида гиёҳвандлар кўпайиб, оғир жиноятлар содир этилди.

Фаргоналик О.Х. 21 ёшда. У ўтган йилнинг ёзида Қўқон шаҳрида танишининг “гашиш” гиёҳвандлик моддасини 1.000.000 сўм эвазига Тошкент шаҳридаги мижозга етказишга келишади. Шу мақсадда машинасида пойтахтга келади. Бироқ, айтилган манзилга етиб бормади. Кечаси унинг машинасини йўл-патруль хизмати ходимлари тўхтатишади ва ҳолислар иштирокида кўздан кечиришади. Қора целлофан пакетидан “дори”ни топишади.

Суд кимёвий экспертизасининг ҳулосасига кўра, ҳайдовчи олиб келган модда “гашиш” бўлиб, унинг оғирлиги 5.38,31 граммни ташкил этган.

Судда судланувчи айбига иқдорлик билдириб, қонун доирасида енгиллик берилишини сўради.

Суд ҳайъати судланувчига нисбатан жазо тайинлашда ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинлашни лозим, деб ҳисоблади.

О.Х. қасдан ўта оғир жиноят содир этганлиги учун 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазони умумий тартибда колонияда ўташи белгиланди. У айти ўқиб-ўрганадиган, ишлаб, даромад топадиган пайтида баланд деворлар ортида кун санамоқда. О.Х. бугун қилмишидан минг пушаймон бўлса-да, энди кеч. Ёшларимиз билиб-билмай ана шундай жирканч ишга қўл урмасликлари керак. Қўқонлик йигитнинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши зарур.

Икром РАЖАБОВ,
жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг судьяси.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тошкент харбий прокуратураси томонидан шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Ишга марҳамат” мономарказида бўлиб ўтган ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ярмаркада Тошкент харбий прокурори А.Бобоев, шаҳар ҳокими ўринбосари Н.Умарова, Мудофаа вазирлиги харбийларининг оилалари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси З.Мансуровалар томонидан тадбир ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, харбий хизматчиларнинг оила аъзоларига қатор идора ва ташкилотларнинг кўплаб бўш иш ўринлари таклиф этилиб, жойида хал қилиш чоралари кўрилди.

Тадбирда иштирок этган 200 нафардан ортиқ қатнашчидан Тошкент харбий проку-

ратураси томонидан жами 10 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг 7 тасига қонуний тушунтириш берилиб, 2 та мурожаат жойида қаноатлантирилди ва 1 та мурожаат белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга йўналтирилди.

Бундан ташқари, иштирокчилар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ташкил қилинган тиббий кўриқдан бепул ўтказилди.

Фаррух САЙСУЛТАНОВ,
Тошкент харбий прокурорининг ўринбосари, адлия майори.

SEMINAR

FVV Akademiyasi huzuridagi Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida "Huquqbuzarliklar profilaktikasi" kuni munosabati bilan seminar mashg'uloti bo'lib o'tdi.

Unda Samarqand harbiy prokurori, viloyat FVB shaxsiy xavfsizlik bo'limi boshlig'i hamda viloyat IIB JXX YHXBning matbuot xizmati vakillari taklif etildi.

Tadbir davomida so'zga chiqqanlar tomonidan harbiy intizomni mustahkamlash, huquqbuzarliklar profilaktikasi, shaxsiy tarkibning huquqiy ongi va madaniyatini oshirish, huquqbuzarliklarning oldini olish, avtotransport vositalaridan foydalanish, boshqarish hamda yo'l harakati qoidalariga rioya qilishga oid mazeruzalar o'qib eshittirildi.

Nodir KADIROV,
FVV Akademiyasi huzuridagi BTva
MOM xodimi, podpolkovnik.



NAFAQAGA KUZATUV

Farg'ona shahar FV bo'limi boshlig'i lavozimida ishlab kelayotgan podpolkovnik Anvarjon Oxunov tantanali ravishda nafaqaga kuzatildi.

Anvarjon Oxunov uzoq rining ezgu tilaklarini bil-yillar davomida sohada samarali xizmat qilib, o'zining halolligi, fidoyiligi va mehnatsevarligi bilan shaxsiy tarkibga o'mak bo'lib kelgan.

Nafaqaga kuzatish marosimida so'z olganlar Anvarjon Oxunovga o'zla-

rining ezgu tilaklarini bil-dirishdi.

Fursatdan foydalanib, hamkasbimizga sog'lik, oilaviy baxt, kelgusidagi ishlarida ulkan zafarlar hamda farzandlar rohatini ko'rish nasib etishini tilab qolamiz.

Farg'ona viloyati FVB jamoasi.



O'RGANISHLAR DAVOM ETMOQDA

Farg'ona viloyatiga birlashtirilgan Milliy gvardiya qo'mondonining birinchi o'rinbosari polkovnik I.Ibragimov, FVV boshqarma boshlig'i o'rinbosari polkovnik U.Yakubov, viloyat Toshqinga qarshi kurash komissiyasi ishchi guruhi hamkorligida viloyat hududidagi sel-suv toshqini xavfi mavjud hududlarni o'rganish maqsadida, Farg'ona tumani "Oqtom" MFY Oqtom-1, Oqtom-2 selxonalari, tumandagi Vodil gidrouzeli, Qo'rg'ontepa sel dambasi, Oqbilol sel omborlari, Shohimardonsoy, Marg'ilonsoy, Oltiariqsoy daryo o'zanlari, Oqtepa va Choltagi sel yo'llari holati o'rganib chiqildi.

O'rganishlar davomida ishchi guruh tomonidan daryo o'zanlari qirg'oqlari holati, sel, suv toshqini mavsumida favqulodda vaziyatlarga tayyorgarligi, gidrotexnik inshootlardagi aloqa vositalarining sozligi, xodimlarning navbatchilik olib borishi, zaxira elektr manbalarining mavjudligi, selxona va sel omborlarining sel, suv toshqinlarini betalafot qabul qilib olishi hamda tozalanganlik holati ko'zdan kechirildi.

"Oqtom" MFY Oqtom-1, Oqtom-2 selxonalari o'zanlarining to'lib qolgan joylarini tozalash maqsadida, zarur kuch va vositalar jalb etilib, tozalash tadbirlari amalga oshirildi.

Aniqlangan kamchiliklarni o'z vaqtida bartaraf etish yuzasidan rahbar xodimlarga tegishli ko'rsatmalar berildi.

Umidjon OTAJONOV,
Farg'ona viloyati FV bo'limi boshlig'i, kapitan.

Chirchiq davlat pedagogika universitetida "Uch avlod uchrashuvi" tadbiri o'tkazildi.

MA'RIFIY TADBIR

Unda Chirchiq shahar hokimi Davron Xidoyatov, universitet rektori, O'zbekiston fan arbobi, professor G'ofurjon Muhamedov, O'zbekiston Qahramoni, senator, "Nuroni" jamg'armasi Respublika boshqaruvi raisi Sodiqjon Turdiyev, Olmaliq kon-metallurgiya kombinati "Kalmakir" koni ekskavator-mashinisti, O'zbekiston Qahramoni Saydali Rahmonov, "El-yurt hurmati" ordeni sohibi Abdumajid Shodiyev va birinchi darajali mehnat faxriysi, "A'lo xizmatlari uchun" ko'krak nishoni sohibi Toshkent viloyati FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi boshlig'i Husniddin Aglayevlar qatnashdi.

Shuningdek, Toshkent viloyatida istiqomat qilayotgan, o'zining halol mehnati bilan xalq oldida obro'-hurmatga ega bo'lgan nuroniylar, universitet o'qituvchi va talabalari, Oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti kursantlari ham ishtirok etdi.

Tadbirda so'zga chiqqanlar tomonidan o'z hayoti, erishgan yutuqlari, qiyinchiliklarni yengib o'tish va hozirgi Yangi O'zbekiston bunyodkorligi hamda yoshlar uchun yaratilgan imkoniyatlar xususida so'z yuritildi.

Kechaning badiiy qismida universitet talabalari hamda Chirchiq shahar madaniyat uyining "Tamanno" raqs guruhi tomonidan qo'shiq va raqslar ijro etildi. Uchrashuv yakunida universitetining 14 nafar a'lochi talabasi va kursantlarga esdalik sovg'alari topshirildi.

G. TO'RAYEVA,
Toshkent viloyati FVB Chirchiq shahar
HFXO'M o'qituvchisi.



KORRUPCIYAGA QARSHI

Samarqand viloyati FVBda viloyat harbiy prokurori Odil Usarov nishirokida "Mening boshqarman korruptsiyadan xoli xudud" mavzusida uquv seminari utkazildi.

Qayd etish kerakki, utgan 2022 yil davomida "Mening boshqarman jinoytdan xoli xudud", "Konun va adolat - ustuvor, jinoytga jazo - muqarpar", "Korruptsiya jamiyat kushandasi", "Korruptsiya

- salbiiy illat", "Pora - eng emon chora" va "Biz korruptsiyaga qarshimiz" kabi mavzularda jami 79 marotaba uchrashuv va 12 marotaba seminar utkazilgan.

Ushbu tadbirlarda Samarqand harbiy prokuraturasi, Harbiy sud, hukukni muhofaza qilish idoralari, musulmonlar idorasining masul xodimlari va

kenj jamoatchilik ishtiroki ta'minlandi.

Uchrashuvlarda jami 3270 nafar harbiy xizmatchi va ishchi-xizmatchilar ishtirok etgan.

Farhod UBAEV,
Samarqand viloyati
FVB
shaxsiy xavfsizlik
b'limi
boшлиgi, kapitan.

KOMISSIYA YIG'ILISHI

Farg'ona viloyatida Toshqinga qarshi viloyat komissiyasining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Unda viloyat hokimi o'rinbosari, FVV, O'zbekiston Milliy gvardiyasi, viloyat FVB xodimlari, komissiya ishchi guruhi hamda mutasaddi tashkilotlar vakillari ishtirok etdi.

Majlis davomida qayd etildiki, viloyatning barcha shahar va tumanlarida, Toshqinga qarshi viloyat komissiyasiga kunlik ma'lumotlarni taqdim qilib borish maqsadida, tegishli tashkilotlardan mutaxassislarni jalb etgan holda "Tezkor shtab" tashkil etilishi belgilandi. Shuningdek, 2023-yilda toshqin suvlari, sel oqimlari va ko'chki hodisalari xavfi mavjud hududlarda 14 ta nazorat-kuzatuv postlari tashkil etilishi, Quvasoy shahar, Farg'ona, So'x, Uchko'prik, Toshloq tumanlarida maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazish ko'zda tutilgan.

Yig'ilish yakunida bajarilishi lozim bo'lgan vazifalar ijrosini ta'minlash bo'yicha viloyat hokimining o'rinbosari X.Isaqov tomonidan muhim topshiriqlar berildi.

A.ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQ
boshlig'i, katta leytenant.

DAREDAN OLIB CHIQLDI

Toshkent viloyati Urgachirchik tumani FV b'limiga "Chevrolet Cobalt" transport vositasi haydovchisining tezlikni oshirishi okibati boshqaruvni i'kotgani va buning natijasida "Korasuv" mahallasidan okib utuvchi Korasuv darasiga tuшиб ketganligi tu'grisida xabar kelib tuшди.

Voqea joi giga b'limning tezkor-kiduruv otryadi zudlik bilan etib borib, mashina maxsus texnikalar erdamida daradan olib chiqildi.

Xodisa okibati boshqaruvni b'limning tan jarohati olganlar i'k.

Z.TESHABOEV,
Urgachirchik tumani FV b'limi boшлиgi,
podpolkovnik.
A.ZOKIROV, b'lim inspektori, katta serjant.

Самарқанд вилояти ФВБ ёнги-қутқарув қисмлари шахсий таркибининг рухий тайёргарлигини янада ошириш мақсадида ўқув машғулоти ўтказилди. Унда Самарқанд шаҳридаги 2-ёнги-қутқарув қисмида жойлашган рухий тайёргарлик йўлагига қутқарувчилар билан олов таъсирида амалий синовлар олиб борилди.

СИНОВ

Машғулота бошқарманинг 8 нафар масъул ходими ва 7 та ёнги-қутқарув қисмидан 105 нафар қутқарувчи, шунингдек, ФВБ Академиясининг битирув малакавий иши олди амалиётини олиб бораётган 8 нафар курсанти иштирок этди.

Ушбу машғулота бўлажак офицерлар ҳам ўзларига керакли билимларни олиб, малакаларини янада мустахкамлашди.

Баҳриддин МУСУРМОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ
ТХваЖТТЭ бўлим бошлиғи,
подполковник,
Шаҳзод БАҲРОНОВ,
ФВБ Академияси курсанти.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

“Навоий кон-металлургия комбинати” Ёнги хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази, Навоий вилояти Теннис федерацияси, комбинатнинг Ёшлар ишлари агентлиги ва “НКМК жамғармаси” ДМ ҳамкорлигида марказнинг Учқудук, Зарафшон, Зафаробод ва Навоий sanoat майдонидаги бўлимларининг харбий хизматчилари ва хизматчилари ўртасида стол тенниси бўйича марказ бошлиғи кубоги учун мусобақа ўтказилди.



Унда 20 дан ортик харбий хизматчи ва хизматчилардан иборат теннисчилар ўзаро беллашди.

Баҳслар якунига кўра Учқудук терма жамоаси вакили лейтенант Тўлқин Турсунов 1-ўринни, Учқудук жамоаси вакили оддий аскар Алишер Раҳмонов

2-ўринни, Навоий шаҳар жамоаси вакили Дурбек Ҳайитов эса 3-ўринни эгаллади.

Тадбир якунида совриндорлар эсадалик совгалари билан тақдирланди

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК ЁХТТЭМ гуруҳ
бошлиғи, катта
сержант.

Суннат РАҲМОНОВ,
инспектор, катта
лейтенант.

ФАВҚУЛОДДА ХАБАР БЕРИШ

Республикамизда хабар бериш тизимлари ривожланган давлатларда жорий этилган хабар бериш тизимлари афзалликларини ўрганган ҳолда яратилмоқда.

Мамлакатимизда қуйидаги тизимлар орқали аҳолига хабар бериш амалга оширилади:

Хабарларни (маълумотларни) автомаглаштирилган комплекс дастурий таъминотлар (ХМАТ) орқали – фавқулодда вазиятлар хавфи ёки содир бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш ва тарқатиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатлари ва муҳофаза усуллари, юзага келган вазият тўғрисида аҳолига хабар бериш ҳамда маълумотларни етказишда барча жараёнларни реал вақт кўламида мониторинг қилиш дастурий-техник воситалари мажмуи ҳисобланади.

Теле-радиоканалларни автоматик тарзда эгаллаш орқали – мазкур тизим

ҳам ХМАТнинг бир қисми бўлиб амалда синов тарикасида Фарғона вилояти телеканалларини (Фарғона МТРК, Рухсор, Gold, Тоҳир-Бағдод, Мулоқот) ва Тошкент радио уйига радиоканалларни (“O‘zbekiston”, “O‘zbekiston 24”, “Yoshlar”, “Mahalla”) эгаллаш воситалари ўрнатилди ҳамда Фарғона вилояти ФВБ навбатчиси хонасидан қайд этилган теле-радиоканаллар орқали вилоят аҳолисига содир бўлиши мумкин бўлган ФВБларни юбориш имконияти мавжуд.

Айни тизимлар ўзига хослиги билан ажралиб туради ва аксарият қисми инсон омили ёрдамида ишга туширилади ёки ташкиллаштирилади.

Абдулхамид ҲАКИМОВ,
захирадаги полковник.

ҲАМКОРЛИК

«Uzbekistan Airports» АЖ тасаруфидоги объектларда ёнги хавфсизлигини таъминлаш бўлими харбий хизматчилари ҳамда Тошкент шаҳри аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси профилактика инспекторлари ҳамкорлигида «Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти» МЧЖга қаршли «Тошкент-2» аэровокзал биноларида фавқулодда вазиятлар ва ёнгиларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Унда бирламчи ёнги ўчириш воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Ф.РАҲИМБОЕВ,
ФВБ «Uzbekistan Airports» АЖ ЁХТБ бошлиғи ўринбосари, майор,
Б.ТЎХТАМУРОТОВ, инспектор, катта лейтенант.

Navoiy viloyati Xatirchi tumanida “Odamlar va hayvonlar o‘rtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari” mavzusida ko‘rgazmali maxsus-taktik o‘quv mashqi bo‘lib o‘tdi.

O‘QUV MASHQI

O‘quv mashqi nazariy qismida shahar aholisining hayvonlardan jarohatlanish ko‘rsatkichlari o‘rtashining sabablari va yuzaga kelayotgan mavjud salbiy holatlar hamda muammolarni hal etish yo‘llari, quturish kasalligiga qarshi kurashish borasida amalga oshirilayotgan ishlar xususida ma‘lumotlar aytili. Shuningdek, aholi tomonidan uy hayvonlarini saqlash, mutaxassis ko‘rigidan o‘tkazish va nazorat qi-

lishda yo‘l qo‘yilayotgan kamchiliklarning sabablari, ularni bartaraf etish choralari yuzasidan mutaxassislarining ma‘ruzalari tinglandi.

Amaliy qismida esa qarovsiz qolgan hayvonlarni tutish bo‘limlarini jamlash va maxsus asbob-anjomlar bilan ta‘minlash tartibi hamda qarovsiz qolgan hayvonlarni tutish va yo‘q qilinishi, tutilgan qarovsiz yoki egasi bor hayvonlarni vaqtinchalik saqlash va kuzatuvga olinishi, fuqarolarni tishlaganda tutilgan daydi yoki egasi bor hayvonlar (itlar)ni vaqtinchalik saqlash va kuzatuvga olinishi kabi tadbirlar bajarildi.

Mashq yakunida yo‘l qo‘yilgan kamchiliklar atroflicha muhokama qilinib, tegishli chora-tadbirlar belgilandi.

M.ABDIYEV,
Navoiy viloyati FVB bo‘lim boshlig‘i,
katta leytenant.

F.BADIROV,
bo‘lim texnigi, kichik serjant.



Dehqonobod tumani hokimi – Fuqaro muhofazasi boshlig‘ining 2023-yil 1-fevraldagi buyrug‘iga asosan tuman FV bo‘limi, tibbiyot birlashmasi, veterinariya va sanitariya-epidemiologiya jamoat salomatligi xizmatlari tomonidan “Odamlar va hayvonlar o‘rtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari” mavzusida seminar va ko‘rgazmali maxsus-taktik o‘quv mashqi o‘tkazildi.

NAZARIY VA AMALIY

O‘quv mashqining nazariy qismi seminar shaklida tibbiyot kollejida tashkil etildi. Amaliy qism “O‘zbekiston” MFY-da o‘tkazildi. Tadbir ishtirokchilariga quturish kasalligining oldini olish, kasallik belgilari, birinchi tez tibbiy yordamlarini, biko‘rsatish, aholi orasida uy hayvonlari-

ni saqlash, boqish va ularni to‘g‘ri emlash qoidalari, birinchi tez tibbiy yordam berish yuzasidan tushuntirishlar berildi.

O‘tkirbek YULDASHEV,
Dehqonobod tumani FV bo‘limi
bo‘linma boshlig‘i, mayor.

ЎН КУНЛИК ДОИРАСИДА

Наманган вилояти ҳудудида жорий йилнинг 1 февраль кунидан 15 февраль кунига қадар қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган “Профилактик ўн кунлик” доирасида Наманган туманида ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда туман фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ҳамда мутасадди ташкилот, корхона, муассасалар раҳбар ва ходимлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, раислари жалб этилди.

Семинарда қутуриш касаллиги ҳақида маълумот берилиб, унинг оқибатлари тушунтирилди. Касаллик тарқалишининг олдини олиш ҳамда вужудга келганда қандай ҳаракат қилиш амалий тарзда кўрсатиб ўтилди.

Мазкур ўн кунлик давомида вилоят ҳудудидаги барча уй ҳайвонларини касалликка қарши вакциналар билан эмлаш, қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Илхом ҲАСАНОВ,
Наманган вилояти ФВБ
РКваТБМТЭБ ходими,
катта лейтенант,
Одил ШАРИПОВ,
Наманган тумани ФВ бўлими бошлиғи,
подполковник.

ISLOHOTLAR AMALDA

Surxondaryo viloyati FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o‘quv markazida fuqaro muhofazasi sohasida malaka oshirishga kelgan 60 nafar umumta‘lim maktablari direktorlari uchun tashkil qilingan mashg‘ulotlarda yaxshi natijalarga erishilmoqda.

Boshqarma tizimidagi barcha harbiy xizmatchilar va xizmatchilar bosqichmabosqich, mustaqil ravishda aholini zilzilaga tayyorlashga mo‘ljallangan milliy elektron platforma orqali malaka oshirish o‘quv kurslariga jalb etilmoqda.

Aholini zilzilaga tayyorlashga mo‘ljallangan milliy elektron platforma aholi barcha qatlamlarining malakasini oshirishda ta‘limning juda qulay hamda samarali usullardan biri bo‘ldi.

L.JAMILOVA,
Surxondaryo viloyati FVB
HXO‘M
o‘qituvchisi.

SAMARALI TADBIRLAR

Yuzaga kelishi mumkin bo'lgan sel-toshqinlarini betalafot o'tkazib yuborish maqsadida, Shahrisabz tumani hududidan oqib o'tuvchi Tanxoz daryosidan suv oladigan Toshbuloq, Qatag'on, Xo'jaqovurg'a kanallari, Tanxoz daryosining o'ng va chap qirg'oqlari, Lulixona kanallarining bosh qismlarida tozalash ishlari amalga oshirildi.

Daryo va kanallardagi 9 ta aniqlangan to'siq va kamchiliklar bartaraf etildi. Tumanidagi sel-toshqin xavfi yuqori bo'lgan Tanxoz va Oqdaryolardan chiqariladigan suv olish nuqtalarida yengil avtomobil hamda "T-40" rusumli traktor navbatchiligi tashkil qilindi.

Tog'li hududlarda yashovchi 295 nafar fuqaroga "Toshqin suvlari, sel oqimlari va ko'chki hodisalar oqibatlari" mavzusida profilaktik tushuntirish ishlari olib borildi.

U.ESHMATOV,
Shahrisabz tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, podpolkovnik.

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

Уй-жойларни куришда ёнгин хавфсизлиги меъёр-қоидаларига риоя қилиш муҳим талаблардандир. Масалан, уйнинг пойдеворини куришдан олдин Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Шаҳарсозлик меъёр-қоидасининг тегишли иловасига мувофиқ биноларнинг ёнгин бардошлилигига қараб, оралик масофалари сақланишига жиддий аҳамият қаратилади. Хусусан, бир чизик бўйлаб курилган уйларда содир бўлиши эҳтимоли бўлган ҳамда уйдан-уйга ёнгинлар тарқалишининг олдини олиш борасида ушбу ҳужжатда икки уй ўртасида камида 0,60 см. баландликда ёнгинга қарши девор ўрнатилиши кўрсатиб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, лар ҳаракатланиши учун уй-жойларни куриш ва мўлжалланган йўлларни таъмирлаш автомобил-кискартириш ҳамда сунъ-

ий тўсиқлар қўйиш қатъиян тақиқланади. Чунки, бу ҳолатлар йўлларда ёнгин ўчириш ва тез тиббий ёрдам автомобиллари ҳаракатланишига тўскилик қилиши, кимнингдир уйда содир бўлган ёнгиннинг жадаллашиши, бирор фуқаро соғлигининг оғирлашиши ёки жиноят содир этилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Ш.ШЕРҚУЛОВ,
Олмалик шаҳар ФВ бўлими МТБ бошлиғи, катта лейтенант.



BARTARAF ETILDI

Toshkent shahar Olmazor tumani FV bo'limi tomonidan yog'ingarchilik mavsumida sel oqimlari va suv toshqinlarining oldini olish hamda ularni xavf-xatarsiz o'tkazib yuborish maqsadida tuman hududidan oqib o'tuvchi Damashi kanali o'rganildi.

O'rganish davomida tuman "Xonchorbog'" MFY Xonchorbog' ko'chasidagi kanal bo'yi qirg'oq mintaqasining o'pirlilishi bilan

bog'liq holat aniqlandi.

Tuman FV bo'limi hamda Toshkent shahar Kanallardan foydalanish va ularga tutash hududlarni

obodonlashtirish boshqarmasi 8-bo'linmasining 3 ta maxsus texnikasi, shuningdek, 27 nafar shaxsiy tarkib jalb etilib, xavfni bartaraf etish ishlari olib borildi.

Sarvar ANOROV,
Olmazor tumani FV bo'limi PvaNB inspektori, kapitan.

QOSH QO'YAMAN DEB...

Xorazm viloyati Xonqa tumani FV bo'limi navbatchi-dispetcheriga tuman "Mustaqillik" mahallasidagi "Qoraqosh ta'mir plast servis" xususiy korxonasi binosi oldida ushbu korxonaga qarashli "GAZ 2705 298" rusumli avtomobilda yong'in sodir bo'layotganligi haqida xabar kelib tushgan.

Mazkur xabarga asosan yong'in-qutqaruv ekipajlari voqea joyiga zudlik bilan yetib borib, yong'inni bartaraf etgan. Yong'inda hech kim tan jarohati olmagan. Tergovga qadar tekshiruv ishlarida ma'lum bo'ldiki, avtomobil benzin va metan

gazga mo'ljallangan bo'lishiga qaramasdan, haydovchi yonidagi o'rindiqlik oldida maishiy propan gaz balloni qo'yib, uni shlang orqali avtomobil salon qismidan dvigatel qismiga ulab, avtomobilni boshqarmoqchi bo'lgan.

U avtomobilni o't oldirgan va 30 metr masofa yurganida avtomobilning dvigatel qismida yong'in kelib chiqqan. Natijada avtomobilning dvigatel, salon va old shinalari yonib zararlangan. Haydovchining baxtiga yonida qo'yilgan maishiy gaz balloni portlamagan.

Hurmatli haydovchilar! O'z bilimlik qilib, o'zingiz va o'zgalarning hayotiga xavf solmang, avtomobil boshqarishda belgilangan talablarga riya eting.

Doniyor YAQUBOV,
Xonqa tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari.



PROFILAKTIKA

Qashqadaryo viloyatining Yakkabog' va Shahrisabz tumanlarida sektor rahbarlari hamkorligida profilaktik targ'ibot tadbirlari o'tkazildi.

Mazkur tadbirlar davomida viloyat FVB va sektor rahbarlari tomonidan har bir xizmatning maqsad-vazifalari belgilab berildi va 4 ta hududda 24 ta ishchi guruh a'zolari birlashtirildi.

Tuman favqulodda vaziyatlar va Ichki ishlar, Milliy gvardiya bo'lim,

elektr va gaz idorasi xodimlari, sanitariya-epidemiologiya osoyishtaligi va jamoat salomatligi xizmati bo'limi xodimlaridan tuzilgan ishchi guruhlar tomonidan 4780 ta aholi yashash xonadonlari o'rganib chiqildi.

Mas'ul xodimlar tu-

manlardagi ta'lim muassasalarining isitish tizimini ko'zdan kechirishdi. Maktab o'quvchilari bilan suhbat o'tkazilib, bolajonlarga yong'in xavfsizligi qoidalarini, ular amal qilishi kerak bo'lgan qoidalar bo'yicha ma'lumotlar berildi.

N.BEK BUTAYEV,
Shahrisabz tumani FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari, mayor.
Sh. BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati FVB axborot xizmati xodimi, oddiy askar.

SUN'IY TO'SIQLAR OLIB TASHLANDI

Qashqadaryo viloyati FVB va Yakkabog' tuman mas'ullari tomonidan o'tkazilgan o'rganishlar davomida bozor va uning hududidagi ayrim umumiy ovqatlanish joylarining yong'in xavfsizligi va sanitar holatiga e'tibor qaratildi.

Achinarlisi, ushbu manzilda inson hayotiga xavf solishi yuqori bo'lgan omillar aniqlandi. Xususan, gaz ballonidan xelim quvur orqali qo'lbola pechini qizdirilayotganiga guvoh bo'ldik. Shuningdek, taom

tayyorlash xonalarining sanitar holati yaxshi emasligi, elektr kabellarining tartibsizligi, bir elektr manbada ko'plab yuqori kuchlanishli elektr uskunalardan foydalanilayotganligini aytish o'rinli bo'ladi.

Yana bir ahamiyatli jihati, mas'ullar tomonidan bozor hududida favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish uchun jalb etiladigan yong'in-qutqaruv texnikalarining erkin harakatlanishini cheklovchi mavjud noqonuniy to'siqlar olib tashlandi.

U. JUMANOV,
Qashqadaryo viloyati FVB axborot xizmati yetakchi mutaxassisi.

ДОЛЗАРЬ МАВЗУДА

"Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятига қарашли Шимолий кон бошқармасида 2022 йилнинг ўтган 12 ойи давомида ўта муҳим тоифаланган ва тоифаланмаган объектларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида Давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича танқидий-таҳлилий йиғилиш ўтказилди.

Унда бошқарма бош муҳандиси, бошқарма объектларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими харбий хизматчилари ҳамда бошқарма бўлинмаларининг масъул раҳбар ходимлари иштирок этди.

Қайд этилдики, ўтган йилнинг бошқарма объектларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил

этиш бўлими томонидан курикланаётган ўта муҳим тоифаланган ва тоифаланмаган объектларда ёнгинлар ва бошқа фавқулodда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган барча зарур чора-тадбирлар бажарилди.

Танқидий руҳда кечган муҳокамада Давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан тақдим этилган ёзма кўрсатмаларнинг ижроси юзасидан,

курикланаётган корхоналарни ёнгиндан автоматик хабарловчи курилмалар билан тўлик жиҳозлаш, тилсиз ёвга қарши сув иншоотларининг созилигини таъминлаш, бирламчи ёнгин ўчиргичларнинг созилиги ва уларни қўллаш тартиби, тоғ-кон техникаларидаги автоматик ёнгин ўчирш курилмаларининг доимий равишда ишга яроқлилигини текшириш ва яна қатор долзарб масалалар юзасидан аниқ тавсиялар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иззат СОБИРОВ,
НКМК Шимолий кон бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
гурух бошлиғи, катта сержант.

JOYLARDA UCHRASHUVLAR

Qo'qon shahar FV bo'limi shaxsiy tarkibi hamda tegishli soha vakillaridan iborat ishchi guruh tomonidan shahardagi "Nurafshon" va "Rayhon" MFY aholi xonadonlari, 55-DMTT ishchilari, Qo'qon davlat pedagogika instituti talabalari bilan qish mavsumini betalafot o'tkazish, havo-gaz aralashmasining chaqnashi, is gazidan zaharlanish kabi mavzularda profilaktik tadbirlar olib borildi.



Shaharda hozirgi kunda yong'inlar soni bo'yicha "qizil" hudud hisoblangan "Nurafshon" mahalla fuqarolar yig'inidagi aholi yashash xonadonlarida profilaktik suhbatlar tashkil etildi. Bunda fuqarolarga kuz-qish mavsumini betalafot o'tkazish, dudburonlarni tozalash, nosoz va qo'lbola isitish pechlaridan foydalanmaslik

bo'yicha tushuntirishlar berildi.

Shundan so'ng, Qo'qon shahar Uvaysiy ko'chasidagi 55-davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti ishchi-xodimlari bilan favqulodda vaziyatlarning odini olish hamda yong'in xavfsizligi qoidalariga amal qilinishi yuzasidan profilaktik suhbat olib borildi.

A.NAZIROV,

Qo'qon shahar FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

N.QORABOYEV,

Qo'qon Biokimyo AJ YXTTEB inspektori, katta leytenant.

BILIMLAR MUSTAHKAMLANDI

Namangan viloyati FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markaziga o'tgan bir yil davomida 1501 nafar rahbar-xodim, shuningdek, 700 dan ortiq o'quvchi-yoshlar hamda 350 dan ortiq maktabgacha ta'lim muassasi tarbiyalanuvchilari tashrif buyurdi.



Hozirda viloyatdagi umumta'lim maktablarining direktor toifasidagi tinglovchilar markazda malaka oshirishmoqda. Shu vaqt ichida ular markazda olgan bilimlarini yanada mustahkamlash maqsadida boshqarmada tashkil etilgan muzeyga tashrif buyurib, u erdagi eksponatlar bilan yaqindan tanishdilar.

Abdug'ani XODJAEV,

Namangan viloyati

FVB HFXO'M

o'qituvchisi.

QUTQARUV

Bekobod shahar "Turkiston" mahallasida istiqomat qiluvchi fuqaro shahar FV bo'limi 7-YoQQ radioaloqachisiga murojaat qilib, uyining eshigi nosozlik tufayli yopilib qolganligi, ichkarida farzandi qolib ketganligini bildirib, murojaat qilgan.



Murojaatga asosan voqea joyiga zudlik bilan yetib borilib, maxsus asbob-anjomlar yordamida xonadon eshigi ochildi. Ichkarida qolib ketgan bolajon o'z otasiga sog'-salomat topshirildi.

Akbarali

HAYITBOYEV,

Bekobod shahar

FV bo'limi MTB

boshlig'i, leytenant.

Olmazor tumani kichik halqa yo'lidagi "AKFA MEDLINE" MChJ ishchi-xodimlari bilan qish mavsumini betalafot o'tkazish hamda jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish yuzasidan amaliy-taktik seminar bo'lib o'tdi.

TAKTIK O'QUV

Tadbir davomida tuman FV bo'limi boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik N.Aslonov, shuningdek, mas'ul xodimlar tomonidan "AKFA MEDLINE" MChJ ishchi-xizmatchilariga qish mavsumini betalafot o'tkazish hamda jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, bemorlarni xavfsiz binolarga qabul qilish, kasalxonalarining yashash sharoitlarini yaxshilash, is gazidan zaharlanishning oldini olish, favqulodda vaziyat oqibatlarini bartaraf etish bo'yicha tushuntirish ishlari olib borildi.

Seminar davomida "AKFA



MEDLINE" MChJ hududida yong'in-qutqaruv avtomobillarining harakatlanishiga xalaqit beradigan o'zboshimchalik bilan o'rnatilgan sun'iy beton-temir to'siqlar o'rnatmaslik, yo'llarni yengil avtomobillar bilan to'sib qo'yimaslik lozimligi aytib o'tildi.

Gaz tarqatish qutilari mavjud

yotoqxonalarni ko'zdan kechirish, ichimlik suvi va maishiy suv ta'minoti, suv havzalari, ariqlar va drenajlarni doimiy ravishda tozalash yuzasidan tushuntirish ishlari olib borildi.

Muzaffar MURODOV,
Olmazor tumani FV bo'limi inspektori, katta leytenant.

Куйичирчик тумани "Хўжапискон" маҳалласида қурилиш ишлари олиб борилаётган 46-умумтаълим мактаби биноси ва қурувчиларнинг ётоқ жойлари, улардаги ёнғин хавфсизлиги ҳолати ўрганилди.

Тадбир давомида қурувчиларга Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги, Андижон вилоятидаги, Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги кўп қаватли уйларда содир бўлган газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши ва уларнинг оқибатлари айтиб ўтилиб, ишчи-ходимлар оғоҳликка чақирилди.

ДАВРА СУҲБАТИ



Э.ЖУМАОБОВ,
Куйичирчик тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

Э.АХМЕДОВ,

Бўка тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

Qashqadaryo viloyati Qamashi tumanidagi mahallalarda, aholi turar joylarida va ijtimoiy soha obyektlarida yong'inlar, gaz-havo aralashmasining chaqnashi, is gazidan zaharlanish va boshqa noxush holatlarning oldini olish yuzasidan daxldor tashkilotlar hamkorligida amaliy seminar mashg'uloti o'tkazildi.

AMALIY SABOQ



Amaliy mashg'ulotda kun tartibi bo'yicha ishtirokchilarga tushuntirish ishlari olib borildi. Tadbir yakunida barcha hamkor tashkilot vakillaridan guruhlar tuzilib, 5 ta mahallada profilaktik targ'ibot ishlari amalga oshirildi.

Mahallalardagi jami 450 ta aholi xonadonida 7 ta yolg'iz va nogironligi bor fuqaroga, 2 ta maktab, 3 ta DMTT, 5 tadbirkorlik subyektlariga tegishli obyektlarda targ'ibot ishlari amalga oshirildi.

O.XUSHVAQOV,

Qamashi tumani FV bo'limi NTB boshlig'i, kapitan.

A.OMANQULOV,

bo'lim FVDTVaFMFTEXTB boshlig'i, kapitan.

TARFI BOT

Toшкент вилояти Қибрай туманидаги "Бирлик", "Янгиарғин", "Нурафшон", "Дўрмон", "Юқори-юз", "Хайдаробод" маҳаллаларида мутасадди хизматлар ҳамкорлигида тарғибот тadbirlari амалга оширилмоқда.

Жумладан, 44 та муассаса ва ташкилот, шунингдек, 2785 та хонадоннинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Аҳолини ёнғинларнинг олдини олишга кенгроқ жалб қилиш ҳамда тушунтириш ишларининг сифатини ошириш мақсадида эслатма, плакат ва шиорлардан унумли фойдаланилмоқда. Корхона, ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини, мактаблар ва фуқароларнинг оммавий йиғилиш жойларида ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилмоқда.

Ҳозирда бу каби тadbirlar жойларда давом эттириляпти.

О.шимжон ВАЛИЖОНОВ,

Қибрай тумани ФВ

бўлими инспектори,

катта сержант.



NAZORAT

Qashqadaryo viloyati FVBda o'tkazilgan yig'ilishda Toshqinga qarshi viloyat komissiyasining to'liq tarkibi hamda FVV boshqarma boshlig'i polkovnik A.Ro'ziyev ishtirok etdi.

Tadbirida viloyat hududida qor, yer ko'chkisi, sel-suv toshqini bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bu boradagi zarur ma'lumotlarni umumlashtiruvchi "Tezkor shtab" va "Nazorat kuzatuv" postlarini tashkil qilishdagi muhim masalalar ko'rib chiqildi. Mas'ullar tomonidan daryo

va sel soylari o'zanida yig'ilib qolgan qum-shag'al mahsulotlari va chiqindilardan tozalash bo'yicha vazifalar belgilab olindi.

F.MIRZAYEV,
Qashqadaryo viloyati FVB boshlig'i, polkovnik.

ТАШВИҚОТ

Бухоро вилоятида мавсум давомида юзага келиши мумкин бўлган фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жами 52 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, уларга тааллуқли идоралар вакилларидан 635 нафар ходим жалб этилди. Булардан ташқари, "Hududgazta'minot" АЖ, Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда печ ва дудбуронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар мутахассис усталаридан иборат 41 та таъмирлаш-тиклаш отряди ташкил этилиб, бугунги кунга қадар жами 369 минг 200 та яқка тартибдаги аҳоли турар жойлари, 2091 та кўп қаватли уйлардаги 57913 та хонадонда ўрганишлар ўтказилди.

Ёнгинлар сабаби тахлил қилинганда, уларнинг 387 таси электр ускуналаридан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши, 218 таси очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 116 таси иситиш печларини қуриш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши, 94 таси болалар шўхлиги оқибатида содир бўлган. Айнан киш мавсумида ўртача ҳар 8 та содир бўлган ёнгиннинг биттаси иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш ёки носоз ва ностандарт иситиш мосламаларининг ишлатилишидан келиб чиққан бўлиб, аянчли оқибатларга олиб келган.

Тадбирлар давомида тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилиб, аҳоли ҳамда муассаса ва ташкилотлар ишчи-ходимларининг фавқулдда вазиятлар, ёнгин ҳодисаларига оид билимлари мустақкамлаб борилмоқда.

Равшанбек ЖАЛИЛОВ,
Бухоро вилояти ФВБ инспектори, лейтенант.

Сирдарё вилоятининг барча ҳудудларида ҳокимлик идоралари, мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан назорат-профилактика тадбирлари давом эттирилмоқда. Фуқаролар томонидан хонадонларни иситиш билан боғлиқ йўл қўйилаётган қўпол қоидабузарликлар оғир оқибатлар хавфини келтириб чиқармоқда. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларини олиб бораётган масъулларга йўриқнома жараёнида қатъий тушунтиришлар берилди.

ХУШЁРЛИККА ЧОРЛОВ



Жараёнлар давомида Ховос туманининг "қизил" ҳудудларидаги хонадонларига бирма-бир кирилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Тарғибот тадбирлари давомида айрим фуқаролар томонидан иситиш печларига дудбуронларни нотўғри ўрнатиш ёки умуман ўрнатмаслик, газ тармоғига резина шланг билан уланиш ҳолатларининг гувоҳи бўлди. Айни ҳолатлар шу куннинг ўзида бартараф этилди.

Пирмуҳаммад МАЪМИРОВ,
Акмалжон ЭРКИНОВ,
ФВБ Академияси 5-босқич курсантлари.

Samarqand viloyati Bojxona boshqarmasi hamda DXX viloyat boshqarmasi tomonidan giyohvandlik moddalari savdosiga qarshi kurashish yo'nalishida o'tkazilgan tezkor tadbirida ikki nafar shaxsdan 10 kg. «opiy» giyohvandlik moddasi olindi.

СНЕК ҚО'ҲИЛДИ

Tadbir davomida Urgut tumanida yashovchi fuqaro Q.A. Jizzax viloyati baxmal tumanida yashovchi fuqaro K.K.ga 2 kg. "opiy" giyohvandlik moddasini sotayotgan vaqtda qo'lga olindi.

Q.A.ning yashash xonadoni ko'zdan kechirilganida 8 kg. "opiy" giyohvandlik moddasini sotish maqsadida saqlab

kelayotganligi aniqlanib, rasmiy lashtirildi.

Holat bo'yicha yuqoridagi shaxslarga nisbatan DXX Samarqand viloyati boshqarmasi tomonidan O'zbekiston Respublikasi JKning tegishli moddalari bilan jinoyat ishi qo'zg'atilib, tergov harakatlari olib borilmoqda.

Samarqand viloyati Bojxona boshqarmasi.

ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСА

Мўйноқ тумани ФВ бўлими томонидан қурилиш жараёнларида норматив ҳужжатлар талаблари бўйича олиб борилган ўрганилганда, қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди.



Шу боис, ташкилот масъуллари ва қурувчиларга фавқулдда вазиятлар, шунингдек, уларнинг олдини олиш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериб борилмоқда.

Бундан ташқари, ишчиларнинг вақтинчалик ётоқ жойларида ис газини ва чакнаш, ёнгин хавфсизлиги қои-

даларига амал қилиш ҳолатлари ўрганилиб, камчиликлар жойида бартараф этилмоқда.

Азамат ТАЖИМУРАТОВ,
Мўйноқ тумани ФВ бўлими бўлими башлиғи, катта лейтенант.

ҚИЗГИН СУҲБАТЛАР

Ҳозирги кунда газ тармоқларидаги ноқулайликлар оқибатида аҳоли яшаш уйлари ва кўп хонадонли уйларда газ-ҳаво аралашмасини чакнашни ҳолатлари қузатилмоқда.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги "Дўстлик", "Фазогир", "Бештут", Товоқсой" МФЙларида фуқаролар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Суҳбатлар давомида яшаш уйларида ўзбошимчалик билан газ қувурларидан фойдаланмаслик, газ тақсимловчи қурилмага тегинмаслик, хонадонда газ хидини сезган тақдирда, ҳар қандай электр уску-

наларидан фойдаланмаслик, дархол туман газ идоралари ходимларига қўнғироқ қилиш кераклиги тушунтирилди. Фуқароларга республика миқёсида содир бўлган фавқулдда вазиятлар ва ёнгинлар тўғрисида мисоллар келтирилди.

Жамол БАХРОМОВ,
Ихтисослашган кўп тармоқли бошқармаси ОЁХТТЭБ бошлиғи, подполковник.

ОГОҲЛИК

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят ФВБ ҳамда "Худудгаз Сирдарё" газ таъминоти филиали ҳамкорлигида профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Тарғибот ишларига маҳалла фаоллари ҳам жалб этилиб, ўрганишлар давомида дудбуронларнинг нотўғри ўрнатилганлиги, газ жиҳозларидан уйни иситиш мақсадида фойдаланиш каби ҳолатлар аниқланмоқда.

Маълумот ўрнида: жорий йилнинг шу даврига қадар биргина Гулистон шаҳри ҳудудида ўтказилган тадбирлар давомида қоида бузилиш ҳолатлари аниқла-



ниб, шуларнинг 817 таси бартараф этилди. Шунингдек, қоидабузарларга қўшимча огоҳлан-тиришлар берилиб, улар йўриқномадан ўтказилмоқда.

Д.СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

УЛУҒ МУТАФАККИР ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

Давлат ва жамият арбоби, шеърят мулкининг султони Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо ҳукмронлиги даврида Ҳирот шаҳрида дунёга келди. Замондошлари у ҳақида кўпинча «Низомиддин Мир Алишер» деб ёзадилар. «Низомиддин» – дин, диёнат низоми дегани бўлиб, донишманд мансаб эгаларига бериладиган сифат, «Мир» – амир деган маънони билдиради. Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад (уни Ғиёсиддин Кичкина деб ҳам аташган) темурийлар саройининг амалдорларидан, хонадоннинг ишончли кишиларидан эди. Онаси амирзода Шайх Абусаид Чангнинг қизи (исми номаълум) бўлган.



Алишер Навоий сарой мухитида яшаганлиги учун алоҳида тарбия ва назоратда вояга етди. Болалик чоғидан шеър ва муסיқага меҳр қўяди. Ҳали ёш бўлишига қарамадан олиму фозиллар даврасида бўлар, узундан-узок шеър ва газалларни ёд айтиб, барчани хайратга соларди. Зехни ўткир бўлганлиги боис, Уни жуда эрта мактабга бердилар. А.Навоий бўлажак султон Ҳусайн Байқаро билан бирга таҳсил олади. 1447 йилда Шохруҳ Мирзо вафот этиб, темурий шаҳзодалар ўртасида тахт учун кураш бош-

ланади ва Ҳирот нотинч бўлиб қолади. Шу боис, Ғиёсиддин Муҳаммад оиласини олиб, Ироққа йўл олади. Йўлда Алишер машҳур «Зафарнома» асарининг муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади ва унда қатта таассурот қолади. Орадан қарийб икки йил ўтар-ўтмас шоир хонадони яна Ҳиротга қайтади.

Тарихчи Хондамир ўз асрларидан бирида бу билан боғлиқ шундай бир хикояни келтиради: Карвон Язд чўли билан Ҳиротга бораркан, тунги юришлардан бирида от-улов устида ҳаммани уйку босади. Алишер минган от иттифоқо, йўлдан чиқиб, бўлажак шоир эгардан тушиб қолади, уйку зўрлик қилиб, уйғонмайди. Хориган от ҳам эгаси ёнидан кетмай, тўхтаб қолади. Алишер тонг отиб, қуёш кизганда уйғонади. Қараса, поёнсиз сахро, атрофида ҳеч ким йўқ. Ёлғиз отигина ёвшан илдизларини чимтиб турибди. Ўн ёшли бола ўзини қўлга олади. Отини миниб, зехн билан йўлни топиб илгари юради. Кун кизиб, чанқоқлик бошланади. Шу пайт узокдан бир нарса қорайиб кўринади. У сув тўла меш экан, Аллоҳга шукроналар айтиб, Алишер йўлини давом эттиради. Унинг ота-онаси манзилга етгач, ўғилларининг йўқлигини биладилар ва мулозимлардан бирини шошилиш орқага қайтардилар. Мулозим кўп юрмай, Алишерга дуч келади. Алишерни, гўё қайта тугилгандай, қувонч билан кутиб оладилар.

1452 йилда Абулқосим Бобур Мирзо Хуросон тахтига ўтиради ва Ғиёсиддин Муҳаммад Сабзаворга ҳоким этиб таъинланади. Алишер эса ўқишни давом эттиради. Мактаб ёш Алишерни шеърят, адабиёт оламига олиб кирди. Бўлажак шоир Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон», асарларини, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» («Қуш нутқи»)ни, шунингдек, Низомий Ганжа-

вий ва Хусрав Дехлавий асарларини ҳам севиб ўқийди.

Айниқса, қушлар тилида айтилган «Мантиқ ут-тайр» асарининг мазмун-моҳияти, Алишернинг ўй-хаёлини тамоман эгаллаб олади.

Умрининг сўнгги йилларида ушбу асардан илҳомланиб, «Лисонут-тайр» («Қуш тили») асарини ёзади.

1453 йилда Алишернинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад вафот этади. Алишер Абулқосим Бобур хизматида қиради. Шеър Алишернинг ҳаётида ва ижодида шунчаки нутқ ўстириш эмас балки, маърифат, тафаккур машқи ҳам эди. Навоий 15 ёшларида ўз шеърлари билан замонасининг машҳур шоирлари диққатини тортади. Хондамирнинг ёзишича, шеърлари билан эндигина танилиб кела бошлаган Алишер ўз даврининг донгдор шоири Мавлоно Лутфий хузурига боради. Мавлоно ундан шеър ўқишни илтимос қилади. Алишер ўзининг:

*Оразин ёнғоч, кўзимдин сочилаур
ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз,
ниҳон бўлғоч қўёш.*

мағлаъи билан бошланадиган газалини ўқийди. Шеърдан хайратга тушган Лутфий шундай дейди: «Валлоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзумнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг байтимни шу газалга алмаштирардим ва буни ўзимнинг қатта ютугим деб ҳисоблар эдим».

Аллома Лутфийнинг Навоийга қаратилган бундай таърифу тавсифлари туркий (ўзбек) шеърятига жуда қатта истеъдод қириб келаётганидан нишона эди.

Замондошларининг айтишича, Навоий ижод кишиси эди. У табиатан буйруқвозликдан ва ҳукмфармонликдан йироқ, тафаккур ҳамда тахайюлга мойил, гоят нозиктаъб бир киши эди. Мансаб-лавозимлар ҳар қанча юксак бўлмасин унинг учун зил-замбил юк бўлиб, Ҳусайн Байқарога бўлган ихлос ва муҳаббатигина уни истеъфо беришдан саклаб турар эди. Шунга қарамадан, у садокат билан хизмат қилди.

Масрур САНАЕВ
тайёрлади

Унда таникли шоир, филология фанлари номзоди, “Олтин қалам” халқаро мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Дилшод Ражаб, болалар ёзувчиси, қатор китоблар муаллифи Отабек Қувват, ФВВ Бирлашган таҳририяти масъул котиби, ижодкор Баходир Обид иштирок этдилар.

Тадбирда шоир ва ёзувчилар Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди хусусида гапириб, уларнинг газалларидан намуналар ўқидилар. Мутафаккирлар асарларида илгари сурилган эзгу гоёлар мазмун-моҳиятини шарҳладилар.

Қизиқarli маълумотлар ва бадий таҳлиллар ўқувчиларда қатта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида ижодкорлар томонидан мактаб кутубхонасига 10 дан ортик китоб тухфа қилинди.

Шаҳноза РАҲИМОВА,
мактаб кутубхоначиси,
Одина ВАЛИЕВА, тарғиботчи.

ЭЗГУ ГОЯЛАР ЭЪТИРОФИ

Сергели туманидаги 264-умумтаълим мактабида улуғ мутафаккир бобокалонларимиз – ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд саналарига бағишланган ижодий учрашув ўтказилди.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЙОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
А.ҚОБИЛОВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 7200 нуска